

ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда олий таълимни янги bosқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий таълим стандартлари, талабаликка қабул қилишнинг шаффоф тизими жорий этилди. 2018 йилда умумий қабул квоталари ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ошди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар профессор-ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети”нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Пучон университети фаолият бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 сентябрдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма чет элларда фаолият кўрсатаётган салоҳиятли ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга фаол жалб этишга, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ҳамда хорижий ташкилотларда малака оширишга кўмаклашди.

Жорий йилда илк бор халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини яратилди, таълим ва илмий тадқиқот жараёнини таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ҳамда камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, олий таълим муассасалари қабул

квотаси қамрови умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларига нисбатан 7 — 9 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 74, Корея Республикасида 96 фоиздир.

Йиғилишда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Ректор ва проректорларни тайинлашда профессор-ўқитувчиларнинг фикри ўрганилмаётгани оқибатида янги тайинланган раҳбарнинг жамоа билан ишлаш самардорлиги етарлича бўлмапти.

Илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилмаган.

Таълим жараёнига инновацион методикаларни жорий этиш, ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоханлигини таъминлаш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари умуман қониқарсиз аҳолда.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларни аттестациядан ўтказиб, аккредитациялаш, ҳужжатларни нострификация қилиш тартиблари бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

— Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир. Меҳнат бозоридagi таркибий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-хунар ўргатадиган, уларда тадбиркорлик кўникма-

ларини шакллантирадиган тизим йўқ, десак, бу ҳам аччиқ ҳақиқат, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Талабалар қабулининг соддалашган тизимини жорий этиш орқали қабул жараёнини квота тизимидан давлат буюртмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимига ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, педагог кадрларнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида марказлашган молиялаштиришдан ўз-ўзини молиялаштириш ҳамда иқтисодий мустақил тизимга ўтиш вазифаси қўйилди.

Ректорлар ва проректорларни тайинлашни соддалаштириш, профессор-ўқитувчилар фаолиятини доимий баҳолаш, манзилли рағбатлантириш, масъулият ҳамда жавобгарлигини ошириш тизимини яратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ректорлар кенгаши фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш вақти келгани таъкидланди. Ректорлар малакасини баҳолаш, бунда уларнинг маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари таълимдаги энг асосий вазифа талабалар билимдини баҳолаш, ўқув дастурлари ҳамда мавжуд таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдан иборат эканини таъкидлади.

Хорижда таҳсил олаётган ёшларнинг Ватанимизга қайтиб келишига шароит яратиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари дипломларини тан олиш ва нострификация қилиш тартибини янада соддалаштириш, олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ҳамда аккре-

дитациялаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон — Россия таълим форуми натижаларига ҳам эътибор қаратилди. Маълумки, ушбу форум якунида россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ҳамда битимлар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистонда Россиянинг 6 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали ва 2 та факультет очилиши, 52 та қўшма таълим дастури жорий этилиши назарда тутилган. Ҳар бир келишув бўйича “йўл харита”лари ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда мазкур “йўл харита”ларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳар бир филиал, факультет ва қўшма дастурлар бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалий ижросини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ташкил этилаётган ушбу факультетларни филиалга айлантириш чораларини кўриш истиқболдаги вазифалардир.

Йиғилишда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустақамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз келаси йил Россияда ўтадиган навбатдаги форумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ҳозирдан аниқ режалар белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Турсунов Бахтиёр Зияевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали етакчи жарроҳи

«Дўстлик» ордени билан

Мазурова Елена Юрьевна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари кун

Юрт тинчлиги, аҳоли осоишталигини таъминлаш

фидойи касб эгалари зиммасига катта масъулият юклайди

Мамлакатимизда барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва натижаларда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Зеро, улар юрт тинчлигини ҳамда халқимиз осоишталигини таъминлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу борадаги ислохотлар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида соҳа ходимларидан айримларининг фикрларини ёзиб олдик.

Қутбидин БУРҲОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиги:

— Ички ишлар вазирлиги тизимига амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини халқимизга етказиш мақсадида ОАВ билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 23 августдаги қарори асосида ташкил этилган Малака ошириш институтини мақсад ва вазифалари, ходимлар малакасини ошириш бўйича жорий этилган янгича тартиб — уларни хизмат фаолиятидан ажратмаган ҳолда масофадан ўқитиш ҳамда тизимда кадрларни танлаш амалиёти ўзгартirilгани хусусида ОАВда қатор чиқишлар қилинди.

Кун иқтибоси:

“Ўзбекистон Президенти билан эришган барча келишувларимиз — амалда. Биз ўз зиммамизга олган мажбуриятларни, албатта, бажарамиз. Мана шу икки йил давомида

бунгача йигирма йилда ҳам ўта олмаган йўлни босиб ўтдик. Бунда шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ҳиссаси бор. У яқин қўшни давлатлар билан алоқаларни яхшилашга эришди, халқаро майдонда ўзини муносиб тутмоқда, Фарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам муносабатлари аъло даражада. Бинобарин, бу бизнинг алоқаларимиз учун яхши асос ва шундай муносабатларга эгаллигимиз ҳам жуда создир”.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Маҳмудов билан учрашувдаги мулоқотдан)

Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ДОИР МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2018 йил 24 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини, деярли ҳар бир даврада, ҳар куни муҳокама мавзуси бўладиган масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган барча масала сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисида депутатлар мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган мазкур эзгу гоя мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Айни шу жиҳатдан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегияси асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг бугун бахтли яшашини таъминлаш, эртанги кунини янада ёрғ қилиш мақсадида давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ҳамда имкониятлари сафарбар этилмоқда. Эътиборлиси, рўй бераётган ўзгаришларнинг дастлабки натижалари юртдошларимиз ҳаёти ва кундалиқ турмушида ўзининг яққол ифодасини топтоқда.

«Шавкат Мирзиёев беқиёс етакчи сифатида нафақат минтақада, балки бутун дунёда катта обрў-эътибор қозонди»

Тошкентда ташкил этилган АҚШ бизнес ҳафталиги, унинг доирасидаги тадбирлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳафталикка Америка оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор қаратди.



Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар йўналиши ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш ниятида. “The Nation” журналида шу ҳақда сўз юритилар экан, хусусан, Америка капитални микдорини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилганга эътибор қаратилди.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, айниқса, бизнес

юритиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларнинг бартараф этилиши расмий Вашингтон томонидан тўла қўллаб-қувватланаётир. “Ушбу ўзгаришлар бизда катта қизиқиш уйғотяпти. Биз ислохотлар жа-

раёнида иштирок этишдан мамнунмиз”, дея Америка ишбилармон доиралари фикри келтирилади.

“Washington Technology” журналида қайд этилганидек, 2018 йилнинг май




ойида Шавкат Мирзиёев АҚШга расмий таширф буюриб, Президент Дональд Трамп билан учрашди. Америка раҳбарияти Ўзбекистон етакчисининг савй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, ички ва ташқи сиёсатдаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

2

Креатив ёндашув ва кутилмаган «ноу-хау»лар

Пойтахтимизда «InnoWeek» инновацион гоялар ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Ҳафталик



Президентимиз ташаббуси билан Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янги форматда ташкил этилган мазкур форум, том маънода, илгор гоя ва ишланмаларнинг намоёнли марказига айланиши, шубҳасиз. Зотан, унда бир ҳафта мобайнида интеллектуал салоҳият маҳсуллари бўлган илмий ҳажмдор, юқори самарали ишланмалар, инновацион технологиялар тақдим этилади. Улар билан нафақат яқиндан танишиш, балки муаллифлари билан бизнес алоқалар ўрнатиш, сармоядорларни жалб қилиш ва ишончли ҳамкорлар топиш мумкин. Бунинг учун эса барча шарт-шароит яратиб берилган.

Ҳафталик доирасидаги тадбирларда Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Италия, Исроил, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозогистон каби 30 дан ортқ давлатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилот ва компаниялар вакиллари, илм-фан ҳамда инновациялар соҳасининг етук мутахассислари иштирок этмоқда.

3

Фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати 3 йилга узайтирилди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар алоҳида ўрин тутadi. Мазкур тизимнинг юрт тараққиётида нақадар зарур эканлигини унинг бугунги кундаги фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Конун кучга кирди

Маҳалла тузилмалари раҳбарлари ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга фуқаролар орасида, халқ томонидан сайланади. Бу эса демократиянинг бир кўринишидир. Шундай экан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) сайловининг очиқ ва ошкоро ўтиши, унда сайловчилар хоҳиш-иродасини тўлиқ намойён этиш учун зарур шароитлар яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунга қадар мазкур соҳадаги сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга ошириб келинаётган эди.

Харакатлар стратегиясини жорий йилда амалга оширишга оид Давлат дастурида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланганди. Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”-ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”-ги қонунларнинг лойиҳалари парламентга киритилди. Мазкур қонунлар жорий йилнинг 15 октябрга қуни Президентимиз томонидан имзоланди.

Ҳўш, ушбу янги Қонунни қабул қилишнинг зарурати нимада эди?

қоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан эмас, балки фуқаролар вакиллариининг йиғилиши томонидан сайланади. Бунда муқаддам сайловчилар номидан атиги 50 — 80 нафар вакиллар овоз беради. Масалан, 2016 йилда ўтказилган сайловларда фуқароларнинг 744 нафар вакили сайланган. Улар 21,2 млн. нафар сайловчиларнинг овоз беришган бўлиб, бу сайловчиларнинг атиги 3,5 фоизини ташкил этган.

Учинчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови кўп ҳолларда очиқ овоз бериш йўли билан ўтказиб келинган. Бу эса фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун зарур имконият яратмайдди. Қолаверса, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш Олий Мажлис Сенати Кенгаши раисларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясига юклатилган эди. Мазкур комиссия фақатгина сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига, яъни ўртача 2-3 ойга тузулиши сабабли амалиётда бўшаб қоладиган ўринларга ўтказиладиган сайловлар яғно мувофиқлаштирувчи органсиз қолиб кетарди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишда юқорида санаб ўтилган камчиликлар ҳамда хорик тажрибаси асосида бир қатор янги қоидалар киритилди.

Аввало, маслаҳатчиларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда сайланишининг олдини олиш мақсадида қонунчиликда ишлатилган “фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)” сўзларидан кейин “ва уларнинг маслаҳатчилари” деган сўзлар чиқариб ташланди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат муддати икки ярим йилдан 3 йилга узайтирилди.



Сув — тириклик манбаи, табиат бойликлари орасида энг қадрлиси. Зеро, инсоният ҳаёти сув ва сув манбалари билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам шундан далолат беради.

БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг ҳар ўн нафаридан тўрттаси тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшайди. Демак, ушбу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиз.

Ҳўш, юртдошларимиз мана шу бурчни қай даражада бажармоқда? Уларнинг сувга бўлган муносабати қандай?

Афсуски, республикамиз ҳудудлари, хусусан, пойтахт туманларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг сувдан мақсадли фойдаланиши, уни асраб-авайлашга оид фикрлаш талаб даражасида эмас, ушбу йўналишда қонунбузилиш ҳолатлари ҳам кўпайган.

Соҳиббўйи минтақаларида сув ҳўжалиги объектларида ташқари, бошқа турдаги биноларни қуриш амалдаги қонун ҳўжатларида таққиланган бўлишига қарамай, жойларда ушбу қоидага риоя қилинмаяпти.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўчайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонун билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар, хусусан, ичимлик сувидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари

лаётганини кўрсатмоқда. Бу аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда ҳавонинг ифлосланиш даражасини оширади.

Бирок амалдаги қонунчиликда юридик шахсларнинг мазкур йўналишда мажбурийатлари белгиланмаган эди. Шу боис Қонунда чиқиндиларга оид меъёрий ҳўжатларни бузганлик учун жавобгарлик янада қўчайтирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида “Белгиланмаган жойларга қаттиқ майишй чиқиндиларини ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ майишй чиқиндиларини тўқиш” деган янги норма белгиланди. Амалдаги санитар нормалар ва қоидаларга мувофиқ, чиқиндиларни ёқиб юбориш ёки кўмиб ташлаш чиқиндиларни зарарсизлантириш усулларидан ҳисобланади. Лекин “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунда “чиқиндиларни зарарсизлантириш” деган тушунча мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам Қонунда чиқиндиларни зарарсизлантириш тушунчаси очиб берилди.

Қолаверса, юридик шахсларга қаттиқ майишй чиқиндиларни тўплаш ва вақтинчалик сақлаш учун контейнерлар ўрнатиш мажбуриятини юқловчи нормалар билан тўлдирилди. Эндиликда “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунда юридик шахсларга чиқиндиларни махсус техник мосламаларсиз ёқиб юборишни таққилловчи норма жорий этилди.

2019 йил 11 январидан эътиборан қўча қиридан ушбу ҳуқуқий ҳўжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда табиий ресурслардан мақсадли фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, бу борада кенг жамоатчиликнинг масўлиятини оширишга ҳизмат қиладди.

Тўғрун ИСКАНДАРОВА,
Ўзбекистон Республикасининг
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



Креатив ёндашув ва қўтилмаган «ноу-хау»лар

Пойтахтимизда «InnoWeek» инновацион гоялар ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

“InnoWeek” доирасидаги энг муҳим тадбирлардан бири — Халқаро инновациялар ярмаркасининг тантанали очилиш маросимини бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар таъқидлаганидек, жаҳон тажрибаси, бозор иқтисодиётдаги кескин рақобат амалиётга янги технологияларни изчи қўллашни тақозо этмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш жаҳонлари истикболини сўнгги кашфиётларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда илм-фан ва иқтисодиёт интеграциясини чуқурлаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириб юборди, десак, мулобага эмас. Бинобарин, ушбу ҳўжатда Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илор мамлакатига қаторига киришига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгилан берилган.

Жорий йилда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани эса инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ярмаркадан кўзланган асосий мақсад ҳам шу: иқтисодиётнинг реал сектори билан илмий академик ва саноат илмий тадқиқотчилик муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдир.

— Бугунги ярмаркада тўртта инновацион ишланмимизни тақдим этияпмиз, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Феруза Азизова. — Шулардан бири онкология ўсимталарини сиртдан олиб ташлашда қўлланадиган ускунадир. У

Хорижий илмий-инновацион марказлар, инвестицион жамғармалар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг замонавий инновацион тараққиётдаги энг долзарб масалалар муҳокама қилинди. Якунда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда унинг тасаруфидоғи муассасалар билан халқаро ташкилот ва компаниялар ўртасида бир қатор шартнома ҳамда меморандумлар имзоланди.

Самд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қиладди

Таълим тизимида инновацияни жорий этишда истиқболли келишув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида “SixClouds Pte Ltd” (Сингапур) компаниясининг бош ижрочи директори Вон Хве Киат бошчилигидаги компания вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Ўзбекистон таълим тизимида янги технологиялар ва дастурий махсулотларни жалб қилиш мақсадида валюта бозорини либераллаштириш, хорижий инвесторларга имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан амалга ошириладиган ислохотлар билан таништирилди.

2019 — 2029 йилларда “SixClouds Pte Ltd” компанияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш

тури доирасида Ўзбекистон — Сингапур минтақавий ўқув маркази ҳамда тадқиқотлар ва тараққиёт бўйича интеграциялашган марказ ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу янги муассасалар Ўзбекистоннинг мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимида янги дастурий махсулотлар ҳамда интерактив рақамли ўқитиш платформалари жорий этишга мўлжалланган. Шу жумладан, марказлар инглиз ва хитой тилларини, мате-

матика ҳамда бошқа асосий фанларни анимацион видео оранжи ўқитиш дастурларини жорий этиш имконини беради. Манфаатдор вазирлик ва идораларда ушбу Дастур тақдимотини ўтказиш, шунингдек, “InnoWeek” халқаро инновацион гоялар ҳафталигида иштирок этиш мақсадида юртимизга келган компания делегацияси раҳбари таширф амалий келишувларга бой бўлганини таъқидлади.

Учрашув якунлари бўйича томонлар икки томонлама алоқаларни янада чуқурлаштириш, биргаликдаги ишларни давом эттириш ҳақида келишиб олди.

Мунисхон КАРИМОВА.



Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқарога ер майдонини ёки бинога ахтиёж сезилади. Мурожаатларнинг қарийб учдан бир қисми, аниқроғи, 31,7 фоизи айнан ушбу масалаларга тааллуқли экани ҳам фикримиз исботидир.

Президентимизнинг “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига кўра, бизнесменлар учун янада қўллаб имтиёзларни тақдим этиши билан бирга, ушбу жараёнларни соддалаштириб, жойлардаги ҳокимликларга эркинликлар беради.

Тан олиш керак, давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотишдаги бюрократия, мураккаб процедуралар ҳамда мулкка қўйилаётган нархнинг баландлиги бу борадаги ишлар ривожига гой бўлаётган эди. Масалан, айна пайтада республикамизда 50 мингдан ортиқ бўш турган объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 5 мингдан зиёди давлат ҳисобидига кўчмас мулклар ҳисобланади. 96 таси савдога қўйилган бўлсада, 2014 — 2017 йиллар давомидда сотилмаган.

Яна бир муаммо — ерларнинг бонитировкаси, яъни тупроқ унумдорлиги даражасини аниқлаш ўз вақтида ўтказилмагани натижасида муайян бир майдонга қўйилган нарх асоссиз равишда ошиб кет-

Бўш турган объектлар 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда сотилади



Сугорилмайдиган 756 минг гектар ернинг бонитети белгиланганига эса 17 йил тўлган.

— Ававалари бирорта бинони хусусийлаштириш бўйича мурожаат келиб тушгандан кейин тегишли комиссия ташкил этилиб, қолаверса, белгиланган давлат божи, йиғимлар тўлаш, савдога чиқариш билан боғлиқ барча жараёнга олти ойгача вақт кетарди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Аскар Обидов. — Янги ҳўжат эса бу каби сарсонгарчиликларга чек қўйди.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликларида катта ваколатлар берилмоқда. Улардан бири — ўз ваколати доирасида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорги Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан, бўш турган давлат кўчмас

ционга чиқариш орқали сотишдир. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликларга сугорилмайдиган ерлар тоифасига қирадиган ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини камдада 1 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги инвестиция киритса, тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолияти учун инвестицияни ҳамда ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда, 50 йил муддатга сотиш ҳуқуқи берилляпти.

— Кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлар томонидан ижарага олиб фойдаланилаётган биноларга ижара шартномалари эндиликда икки томонлама, яъни тадбиркор ва кичик саноат зонасининг дирекцияси раҳбари томонидан имзоланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Карим Маматов. — Бу эса ишбилармонлар учун берилаётган катта имкониятлардан биридир. Яна бир тартиб ҳақида

тўхталсак. Эндиликда ҳамма бинони сотиб юбориш, деган амалиётга ўрин йўқ. Аниқроғи, таълим, шу жумладан, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт, санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш объектлари, кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша қўрсатиш муассасалари сотиб юбориш йўли билан ҳал қилинмайди. Боиси ушбу объектлар ёшларимиз келажиги учун гойат зарурдир. Уларга энди бошқача тартиб қўлланади. Яъни ижтимоий соҳа объектлари, хусусан, бўш турган, фойдаланил-



маётган мактаб, мактабгача таълим, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилади.

Албатта, мазкур ҳўжатда тадбиркорлик субъектлари онлайн тарзда ер участкаларига ва давлат

мулки объектларини харид қилишлари назарда тутилган. Тадбиркорлар эса ушбу онлайн савдоларга кириш ва уларда қатнашиш ўзи электрон рақамли имзога эга бўлишлари лозим.

Шунингдек, унда белгиландики, “Е-ЎРО АУКСИОН” электрон савдо майдончасида ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотишдан келиб тушган ҳамда ушлаб қолingan закалат пул маблағлари — аукцион ташкил этиш билан ва ер участкаларини савдоларга тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар четгириб ташланган ҳолда, Қорақалпоғистон

Республикаси ҳамда тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус газначилик ҳисоб рақамларига ўтказиладиган бўлди. Ушбу пул маблағлари фақатгина ижтимоий фаолиятга ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мақсадларга йўналтирилади.

Фармон билан жорий этилаётган тартиб-қоидалар мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун фойдаланилаётган давлат мулки объектлари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тадбиркорлик субъектларига сотишни жадаллаштириш, ушбу жараёнларда очиқлик ва шаффоқлиқни таъминлашга ҳизмат қиладди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-тахлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Бизнинг интервью



Юртбошимиз ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятларда бўлганларида оддий одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўзларидан эшитиб, ҳал этмоқда. Бу эса барча раҳбарлар учун ибрат сифатида хизмат қилаётир. Чунки авваллари мутасаддилар кабинетда ўтириб ишлагани учун ҳудуддаги ахволдан, мавжуд вазиятдан деярли беҳабар эди. Турли

— Бугун барчамиз катта ўзгаришлар даврида яшаймиз, — дея сўз бошлади Баҳодир Бахтиярович. — Давлатимиз раҳбарининг эзгу гоялари, ташаббуслари асосида жонажон Ватанимиз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Ана шу жараёнлар бутун мамлакатимиз бўйлаб, энг олис ҳудудларни ҳам қамраб олгани билан диққатга сазовордир. Бундан ташқари, юриштилаётган прагматик ташқи сиёсат туфайли узоқ ва яқин давлатлар билан дўстона алоқалар мустаҳкамланиб, ҳамкорликда қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилаётир. Шунга мос равишда вилоятимизда ҳам дастурий вазифалар ижроси натижасида ҳудуд тобора равнақ топиб бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 февраль, жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарёга ташрифи чоғида берган йўл-йўриқ ва маслаҳатлари, топшириқлари, тасвирлари вилоят аҳлини янада руҳлантириб, шижоат билан ишлашга ундади.

Сурхондарё вилоятини комплекс ривожлантириш дастурига биноан ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш, хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, ҳудудлар инфратўзимласини яхшилаш, табиий бойликларни ўзлаштиришга доир умумий қиймати 3 триллион 915 миллиард сўмлик 2585 та лойиҳани рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Бугун улар ижросига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қолаверса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, саноат корхоналарини техник ҳамда технологик янгилаш саъй-ҳаракатлари олиб бориляпти.

Аграр соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Бугун мазкур тармоқни ривожлантириш бўйича ҳам талаб мутлақо бошқача. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Сабаби, бу моддий жиҳатдан ҳам, аҳоли бандлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам айни муддаодир. Шундай экан, вилоятда ушбу йўналишда қандай амалий ишлар қилинмоқда? Аниқ мисоллар билан гапириб берсангиз.

— Сурхон заминиди йил давомида очик усулда уч мартагача ҳосил олиш мумкин. Табиатиинг бундай саховатидан омилкорлик билан фойдаланиш эвазига вилоятда ҳар йили икки миллион тоннадан ортиқ мева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Афсуски, бу маҳсулотларнинг, бор-йўғи, 11 фоизигина ўзимизда қайта ишланади. Эндикликда маҳсулотни етиштиришдан тортиб, уни истеъмолчиға етказиб бериш, экспорт қилишда ҳам замонавий ёндашувларга эътибор берилмоқда. Йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Масалан, “Gold Agro Fresh” агрофирмасида

ҳисоботлар, қоғозда акс этган кўрсаткичларга ишонилиб, шундан ҳулоса чиқариларди. Ваҳолонки, ҳақиқий ҳолат бутунлай бошқача бўлган. Фуқаролар муаммоларига ечим топа олмай қийналган. Бугун эса раҳбарлар кабинетдан ташқарига чиқиб, жойларда аҳолини безовта қилаётган долзарб масалалар, ҳақиқатан ҳам, қўлпигига амин бўляпти, уларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда. Натижада одамларнинг кайфияти ўзгариб, эртанги кунга ишончи ортыпти.

Лекин ҳали бажариладиган вазифалар жуда кўп. Қабул

қилинган қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларида қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган. Уларнинг ижроси катта масъулият талаб қилади. Ҳўш, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида бу борадаги ишларнинг ахволи қандай? Қурилиш ва ободонлаштириш жараёнлари, тадбиркорлик, туризми ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, умуман, устувор соҳалар бўйича нималар қилинмоқда? Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Баҳодир ПУЛАТОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

аҳоли ҳаётида қандай акс этмоқда?

ташқил қилинган 100 гектар майдондаги иссиқхонада помидор, гулқарам, брокколи, руккола ва ялғизнинг харидоригр навлари парваришланиб, йилгига 30 миллион АҚШ долларилк маҳсулот ташқи бозорга чиқарилаётир. Шунингдек, “ASG Group” корхоналар уюшмаси таркибидиға 6 та корхона вилоятимизда ташқил этилган. Жорий йилда мазкур корхоналар томонидан 150 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш мўжжаланган.

Хозирги кунда яна бир истиқболли лойиҳа, яъни “Жарқўрган мева-сабзавот экспорт” масъулияти чекланган жамияти томонидан картошкани Франция технологияси асосида етиштириш йўлга қўйилмоқда. У тўла амалга ошгач, 1500 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига биноан, вилоятда тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш, пахта хом ашёсини чўқур қайта ишлаш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Хусусан, 2017 — 2019 йилларда Сурхондарё вилоятдаги умумий қиймати 365 миллион долларга тенг 15 та замонавий тўқимачилик ва енгил саноат корхонасини ишга тушириш кўзда тутилган. Бу орқали 4 мингта қўшимча меҳнат жойи очилади.

— Сурхон заминиди Менделеев

жадвалидаги деярли барча элемент учрайди. Бундан ташқари, тошқўмир, газ, нефть, мармар, ош тузи, калий тузи, оҳақ, гранит тош... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Ана шу табиий бойликлардан

унумли фойдаланиш, саноатни ривожлантириш бўйича нималар қилинляпти?

— Дарҳақиқат, бундай табиий захираларнинг мавжудлиги катта имкониятлар. Улардан мамлакатимиз равнақи йўлида фойдаланиш бўйича қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда. Мисол сифатида айтиб ўтсам, Россия Федерацияси ишбилармонлари ҳамкорлигида Бойсун туманидаги “Мустақиллигининг 25 йиллиги” қониди лойиҳа қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган, йилгига 4 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, 289 минг тонна полипропилен, 211 минг тонна полиэтилен ва 293 минг тонна олтингургурт ишлаб чиқариш қувватига эға газ-кимё мажмуасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Сарисийё туманидаги “Шаргун қўмир” қонини модернизаци

ция қилиш эвазига йилгига 900 минг тонна, Бойсундаги “Тўда” қўмир қониди эса 450 минг тонна қўмир ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Истиклолимизнинг 27 йиллиги арафасида Шеробод туманида лойиҳа қиймати 212,8 миллион долларга тенг цемент заводи фойдаланишга топширилди. Йилгига 1,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эға мазкур корхонада мингдан ортиқ кишиларнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, Термиз шаҳрида йилгига 7 минг тонна калава ип тайёрланадиган “Амудар Текс” Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси ишга туширилди. Кўзда тутилган лойиҳалар кўп. Уларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш ҳаракатиди.

— Президентимиз юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва қучли ижтимоий қиймати таъминлашда инвестицияларнинг мўжжамли қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Бир неча бор ўтказилган видеоселектор йиғилишларида бу борада ҳудудлардаги ахвол, хорижий инвестицияларнинг жалб этишдаги сусткашликлар қаттиқ танқид қилинди. Сурхондарёда бундан тегишли ҳулоса чиқарилди?

— Чиндан ҳам, инвестиция бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмайди. Юртбошимиз бу масала хусусида қайта ва қайта тўхталишлари бежиз эсам. Биз шундан тўғри ҳулоса чиқариб, астойдил ҳаракат қилишимиз, хорижий бизнес вакиллари, ишбилармонларни Ўзбекистон бозорига қизиқтиришимиз лозим. Чунки улар учун ҳамма имтиёзлар жорий қилинган, эркин тушатира имкониятлар етарли. Буни тушунтира билишимиз зарур.

Шу йилнинг 31 июль — 3 август кунлари вилоятимиз делегацияси Хитой Халқ Республикасининг Сичуань провинциясида бўлди. Йирик компания вакиллари ва сармоядорлар билан амалий мулоқот қилдик. Ташрифимиз чоғида таълим, санъат ва маданият, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ҳамда озиқ-овқат саноати каби йўналишлар бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказдик. Ташрифимиз якуналари бўйича 257 миллион АҚШ доллар қийматидаги 6 та меморандум имзоланди. Житойнинг Шимоли-Шарқий университети Ипак йўли археология маркази билан Бойсун туманида археоло-

гия музейи қурилиши бўйича келишувға эришилди.

Нафақат Хитой Халқ Республикаси, балки Европанинг бир қатор ривожланган давлатлари ҳамда Россия, Туркия сармоядорлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича муайян ишлар олиб бориляпти. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 19 июлдаги қарориға қўра, вилоятга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш дастури ишлаб чикилди. Унинг асосида, 2018 — 2020 йиллар давомида Сурхондарёда умумий қиймати 869 миллион долларга тенг жами 33 та ҳудудий лойиҳа рўёбга чиқарилади. Хозирги кунгача айни мақсадда 20 миллион долларлик тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

2019-2020 йилларда Туркиянинг “Eka Co Enerji A.S” компаниясининг 500 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестициясини жалб этиш орқали Бойсун туманида шамол электр станциясини барпо этиш ҳамда Буюк Британиянинг “Shefra Energy Limited” компанияси томонидан 220 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилиши эвазига Шеробод туманида фотоэлектр қуёш панелларини ишлаб чиқариш лойиҳалари бажарилади.

Жанубий Корейнинг “Naturayn Ko LTD” компанияси томонидан Ангор туманида умумий лойиҳа қиймати 18 миллион долларга тенг бўлган биоорганик минерал ўғит ишлаб чиқариш корхонаси ташқил қилинади. Тожикистоннинг “Евро инвест Сохтмон” компанияси томонидан Шеробод туманида умумий лойиҳа ҳажми 175 миллион долларга тенг цемент заводи барпо этилади.

Шуни ҳам айтиш кераки, вилоятнинг шаҳар ва туманларида сектор раҳбарлари ташаббуслари билан ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан олиб бораётган ўзаро келишувлар асосида умумий қиймати 450,7 миллион долларга тенг 53 та истиқболли лойиҳа юзасидан тақлифлар ишлаб чикилди.

— Бугун Термизда жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Қўплаб уй-жойлар барпо этилди. Бу жараёнлар одамлар кайфиятиға қандай таъсир қиялпти?

КРАХМАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН

БИРИНЧИ КОРХОНА

импортни камайтириб, экспортни йўлга қўйиш имконини беради

Тошкент шаҳрида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Golden Corn” крахмал патокаси заводи фойдаланишга топширилди. Бу мамлакатимиздаги ушбу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона корхона ҳисобланади.

Дарҳақиқат, шу пайтгача қандалатчилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати субъектларининг крахмал, крахмал патокаси, яъни қиёмига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобига таъминланар эди. Янги қувват четдан кириб келаётган маҳсулот ҳажмини камайитириш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг моддий ресурсларини тежашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. Чунки маккажўхори донидан олинадиган крахмал таннархи турдошларига қараганда тўрт баробар арзондир.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Мазкур инвестициявий лойиҳа ўтган йили Президентимизнинг Чилонзор туманига ташрифи доирасида тақдим

этилганди. Унинг умумий қиймати қарийб 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 2 миллион АҚШ долларлари хо-



риждан замонавий технологик ускуналар олиб келишга йўналтирилди.

— Натижада жуда қисқа давр ичида саноатнинг янги тармоғи ўзлаштирилиб, 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди мазкур корхона раҳбари Шамсиддин Шукуров. — Лойиҳанинг дастлабки босқичида кунига 50 тонна хом ашё қайта ишланиб, ўртача 35 тонна крахмал кукунини, у асосида эса қандалатчиликда энг муҳим хом ашё ҳисобланадиган крахмал қиёми, мальтоза қиёми тайёрланмоқда. Бундан ташқари, саломатлик учун ниҳоятда фойдали бўлган жўхори ёғи ишлаб чиқариляпти. Улар истеъмолчиларға бир ва беш литрлик идишларға қадоқланган ҳолда етказиб берилмоқда. Крахмал кукунини 25 килограммлик қопларға жойланяпти.

Хозирги пайтда корхонада 100 киши меҳнат қилаётган бўлса, у тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, яна 50 та иш ўрни яратилади. Йилгига салкам 20 минг тонна хом

ашё қайта ишланиб, ички бозорға 9,6 миллион АҚШ долларилк импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етказиб берилади.

Эътиборлиси, хорижиқлар Ўзбекистон крахмалига ҳозирданок катта қизиқиш билдиришмоқда. Яъни қўшни давлатлардан буюртмалар туша

шунингдек, ёғ-мой саноати учун иккиламчи хом ашёлар тайёрлаш, пировардида қўшимча даромад топиш имконияти пайдо бўлди.

Корхонанинг очилиш маросимида таъкидланганидек, аҳолининг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, саноатнинг янги тармоқларини

Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, иш ўринлари сони 150 таға етказилади. Йилгига салкам 20 минг тонна хом ашё қайта ишланиб, ички бозорға

9 600 000

АҚШ долларилк импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар чиқарилади.

бошлади. Бу, ўз навбатида, корхона раҳбариятига ишлаб чиқариш қувватини ошириш, экспортни йўлга қўйиш саъй-ҳаракатларини жадаллаштиришға туртки бераётир.

Лойиҳа ташаббускорларининг айтишича, амалиётға чиқитсиз технология жорий этилган. Натижада асосий маҳсулотлардан ташқари, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик учун омихта ем, турли биоқўшимчалар,



си ҳисобидан 2 миллион АҚШ долларини миқдориди имтиёзли кредит ажратилди.

— Инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш банкимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк” бўлими бошлиғи Даврон Гойипов. — Биргина 2018 йилнинг ўтган даврида 1 триллион 213,8 миллиард сўмлик инвестициявий кредитлар ажратилди. Шундан 50,36 миллион АҚШ долларини хорижий валютатади имтиёзли кредитлардир. Ушбу сармоялар ҳудудларда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташқил этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилди.

Умуман олганда, давлатимиз

раҳбарининг республика-миз ҳудудларига ташрифлари давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилда ушбу банк иштирокида 400 га яқин инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Қўвонарлиси, шу кунга қадар уларнинг 300 таси рўёбга чиқарилди.

Заводнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқжўаев иштирок этди.

С. ИБДОУЛЛАЕВ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўзълар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.